

**O‘zbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari va  
kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi huzuridagi  
«Axborot xavfsizligini ta’minlash markazi» davlat muassasasi**

**Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги  
«Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази» давлат муассасаси**

**УСТАВИ**

**Тошкент 2015 й.**

## I. Умумий қоидалар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази» давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Марказ) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1989-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4702-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2293-сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 16 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳузуридаги “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази ҳамда Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 250-сон қарорига мувофиқ фаолият юритадиган давлат муассасаси шаклидаги ноτιжорат ташкилоти ҳисобланади.

1.2. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик)нинг қарорлари, шунингдек, ушбу Уставга амал қилади.

1.3. Марказ Вазирлик ҳузуридаги ташкилот бўлиб, ўз мустақил балансига, банкдаги ҳисоб рақамларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳрга ва давлат тилидаги ўз номига ҳамда бошқа реквизитларга эга юридик шахс ҳисобланади.

1.4. Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари ва моддий-техник таъминоти Вазирлик томонидан тасдиқланган смета доирасида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, халқаро молиявий институтлар, чет эл ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларининг беғараз кўмаги (грантлари), хўжалик фаолияти, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан келиб тушадиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

1.5. Марказнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлик – **О‘zbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi huzuridagi «Axborot xavfsizligini ta’minlash markazi» davlat muassasasi** (Ўзбекистон Республикаси Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Аxbорот хавфсизлигини таъминлаш маркази» давлат муассасаси);

қисқартирилган – **«Axborot xavfsizligini ta’minlash markazi» DM (АХТМ)**;

б) рус тилида:

тўлик – **Государственное учреждение «Центр обеспечения информационной безопасности» при Министерстве по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан**;

қисқартирилган – **«Центр обеспечения информационной безопасности» (ЦОИБ)**;

в) инглиз тилида:

тўлик – **«Information security center» State entity under the Ministry for development of information technologies and communications of the Republic of Uzbekistan**;

қисқартирилган – **«Information security center» (ISC)**.

1.6. Марказнинг юридик манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 282а-уй, 100069.

Марказнинг почта манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қирқ-қиз кўчаси, 10-уй, 100115.

1.7. Марказнинг муассиси Ўзбекистон Республикаси Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда – Муассис) ҳисобланади.

1.8. Марказ ўз номидан Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкӣ ва шахсий мулкӣ бўлмаган ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларни амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, низоларни ҳал этишда судда даъвогар ва жавобгар бўлиши, бошқа органларда вакиллик қилиши мумкин.

1.9. Марказ Муассис билан келишилган ҳолда тижорат ташкилотларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган нотижорат ташкилотларининг иштирокчи (акциядор, аъзо) бўлиши мумкин.

1.10. Марказ давлат корхонасининг муассиси бўлиши мумкин эмас.

## **II. Марказ фаолиятининг асосий мақсад, вазифа ва функциялари**

2.1. Иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларида аxbоротни муҳофаза қилишнинг замонавий воситалари ва услубларини янада ривожлантириш ва кенг жорий қилишни таъминлаш, шунингдек Интернет

миллий фойдаланувчиларини ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ахборот хавфсизлигига таҳдидлар тўғрисида огоҳлантириш Марказ фаолиятининг асосий мақсадлари ҳисобланади.

2.2. Марказ фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ахборот тизимлари комплекслари, «Электрон ҳукумат» тизимининг ресурслари ва маълумотлар базаларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ «Электрон ҳукумат» тизимини жорий қилиш доирасида ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказиш;

давлат органларининг ахборот тизимлари ва ресурсларининг ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга ёрдам кўрсатиш;

ахборот хавфсизлигига ҳозирги замон таҳдидлари тўғрисида маълумотлар йиғиш, уларни таҳлил қилиш ва тўплаш, «Электрон ҳукумат» тизимларининг ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларига ноқонуний сукулиб кириш ҳаракатларининг олди олинишини таъминловчи ташкилий ва дастурий-техник ечимларни самарали тадбиқ этиш бўйича тавсиялар ҳамда таклифларни ишлаб чиқиш;

Вазирликка давлат ахборот тизимлари ва ресурсларининг ахборот хавфсизлиги таъминланишини мониторинг қилиш натижалари тўғрисидаги статистик маълумотларни белгиланган тартибда тақдим этиш;

«Электрон ҳукумат» тизимининг ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базалари, шунингдек Интернет тармоғи миллий сегментининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари бўйича телекоммуникация тармоқлари операторлари ва провайдерлари билан ўзаро ишлаш, давлат органларининг биргаликда ишлашлари ҳамда фаолиятларининг мувофиқлаштирилишини ташкил қилиш;

Интернет тармоғининг миллий сегментида юзага келадиган ахборот хавфсизлигига таҳдидлар тўғрисида Интернет миллий фойдаланувчиларини ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек ахборотни муҳофаза қилиш бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатиш;

кибер ҳужумларга қарши ҳимоя қилиш миллий тизимини ишлаб чиқиш ва кибер таҳдидларни олдини олиш;

Интернет тармоғи миллий сегментининг манзилли маконида IP-манзилларни мониторинг қилиш ва фойдаланишлар таҳлилинини олиб бориш, рўйхатга олиш ва реестрини юритиш;

операторлар ва телекоммуникация тармоқлари провайдерлари томонидан Интернет тармоғи миллий сегментининг манзилли маконидан

фойдаланилиши бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

Интернет тармоғи миллий сегментининг манзилли маконидан фойдаланишнинг тартибини белгиловчи стандартлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, норматив-ҳуқуқий базани ривожлантириш;

Ўзбекистон Республикаси кибер муҳитида давлат ахборот ресурслари ва тизимларининг хавфсизлик чораларини такомиллаштириш;

ахборот маконида рухсатсиз ёки деструктив ҳаракатларни ўтказишда бузғунчиларни, фойдаланиладиган услуб ва воситаларни таҳлил қилиш, идентификациялашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Интернет тармоғининг миллий сегментида ахборот хавфсизлиги можароларининг олдини олишда амалий ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш мақсадида ахборот хавфсизлиги соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

Электрон рақамли имзодан фойдаланишни ривожлантириш, умумий қабул қилинган халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқ электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш, электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида стратегик устувор вазифаларни амалга оширади.

### 2.3. Марказнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

Интернет тармоғининг миллий сегментида ва «Электрон ҳукумат» тизимидаги қаллоблик фактларини аниқлаш ва уларни олдини олиш;

Интернет ресурслар, шахсий ва ижтимоий маълумотларни муҳофаза қилиш, ахборот хавфсизлиги ва компьютер хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва тузишда иштирок этиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва кибержиноятларнинг олдини олишга қаратилган давлат дастурлари ва чора-тадбирларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Интернет миллий сегменти ва «Электрон ҳукумат» тизимининг ахборот хавфсизлиги ҳолати тўғрисида статистик маълумотларни киритиш;

Интернет тармоғидаги ва «Электрон ҳукумат» тизимининг ахборот хавфсизлиги ҳодисаларининг олдини олиш услублари ва воситаларини ишлаб чиқиш;

Интернет тармоғининг миллий фойдаланувчиларида Интернет маданиятини оширишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларда иштирок этиш;

Интернет тармоғидаги салбий ҳолатлар юзасидан мурожаатларни «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ таҳлил қилиш, текшириш ва чоралар кўришда иштирок этиш;

Интернет ёрдамида содир этиладиган ҳодисаларни текшириш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ишлаш;

Интернет тармоғининг миллий сегментида ва «Электрон ҳукумат» тизимидаги ахборот хавфсизлиги ҳодисаларини текшириш, ҳисоботларни тайёрлаш;

Интернет тармоғининг миллий сегменти фойдаланувчиларининг Интернет-жиноятлар, уларнинг олдини олиш бўйича услуб ва воситалари тўғрисида хабардорлигини ошириш;

Интернет тармоғининг миллий сегментида Интернет-жиноятлар тўғрисида таҳлилий ва тақдимот материалларни яратиш ва ушбу жиноятларга нисбатан салбий муносабатни ҳосил қилиш;

Интернет тармоғи миллий сегментининг Интернет ресурслари ва «Электрон ҳукумат» тизими ахборот хавфсизлиги ҳолатининг Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиш;

ахборот тизимлари ва «Электрон ҳукумат» тизимининг миллий фойдаланувчиларига нисбатан юз берган компьютер ҳодисалари тўғрисидаги хабарларни тезкор қабул қилиш, келиб тушган ахборот бўйича фактлар ва вазиятни дастлабки ўрганиш, компьютер тизимларининг хакер ва вирус ҳужумларининг олдини олиш бўйича фойдаланувчиларга тезкор ёрдам кўрсатиш;

Интернет тармоғининг миллий фойдаланувчилари, «Электрон ҳукумат» тизими ва бошқа ахборот тизимлари фойдаланувчиларини, шу жумладан локал ва корпоратив фойдаланувчиларни компьютер хавфсизлигига нисбатан юзага келадиган таҳдидлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш, уларнинг олдини олиш бўйича ахборотни тарқатиш;

тегишли маълумот базаларида фойдаланувчилар, компьютер техникаси ва дастурий таъминотни ишлаб чиқарувчилар, ўхшаш чет эл тузилмаларидан олинadиган компьютер хавфсизлигига ҳозирги замон таҳдидлари тўғрисидаги ахборотни, шунингдек муайян компьютер ҳодисалари, компьютер тизимларини ҳимоя қилишда қўлланиладиган дастурий-техник воситаларининг самарадорлиги бўйича материалларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тўплаш;

компьютер хавфсизлигини таъминлаш халқаро тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш асосида ахборот тизимларига ноқонуний суқулиб кириш ҳаракатларини олди олинишини таъминловчи энг самарали дастурий-аппарат воситаларни қўллаш бўйича миллий фойдаланувчиларга тавсияларни ишлаб чиқиш, миллий фойдаланувчиларга маслаҳат хизматларини кўрсатиш ва уларни техник қўллаб-қувватлаш;

давлат муассасалари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва тармоқларида хавф-хатар, компьютер хавфсизлигининг ҳолатини баҳолаш бўйича миллий фойдаланувчиларга маслаҳат хизматларини кўрсатиш ва уларни техник қўллаб-қувватлаш, ҳодисаларнинг сабаблари ва эҳтимолий оқибатларини таҳлил қилиш, компьютер тизимларини ҳимоя қилиш

механизмларини излашда ёрдам кўрсатиш;

компьютер хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурий ва техник воситаларни танлашда тавсиялар бериш, компьютер тизимларини ҳимоя қилиш дастурий воситаларининг камчиликлари аниқланганда дастурий таъминот етказиб берувчилар билан ҳамкорлик қилиш;

компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш масалалари бўйича миллий ахборот тармоғининг операторлари, провайдерлари ва бошқа субъектларининг компьютер хавфсизлиги бўлинмалари ҳатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириш;

ахборот хавфсизлиги соҳасида юз берадиган ходисаларни ўрганиш ва таҳлил қилишга зарур бўлган маълумотларни олиш, улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш мақсадида телекоммуникация тармоқлари ва провайдерлари операторлари, шунингдек, ахборот тизимлари ва ресурслари эгалари ва маъмурлари билан ҳамкорлик қилиш;

ахборот маконида рухсат этилмаган ёки деструктив ҳаракат содир этишда фойдаланилган услуб ва воситаларни, ушбу ҳаракатларни содир этган ҳуқуқбузарларни шахсини аниқлашда ва ҳуқуқбузарликни таҳлил қилишда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш.

Ахборот хавфсизлиги бўлинмаларини яратиш ва тегишли норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда давлат ташкилотларига ёрдам кўрсатиш;

компьютер тизимларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш масалалари бўйича миллий ахборот тизимларига хизмат кўрсатувчи давлат муассасаларининг тегишли мутахассислари, операторлари ва провайдер мутахассисларини ўқитиш ва улар учун тренинглар ташкил этиш;

шахсий маълумотларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси фойдаланувчилари билан ўзаро ишлаш;

шахсий ахборотнинг тарқатилиши, ўғирланиши, чиқиб кетиши фактларини аниқлаш ва олдини олиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш, жумладан, Интернет тармоғининг миллий сегментида Интернетдан фойдаланиш маданиятини ривожлантириш масалалари бўйича оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

расмий веб-сайтларда ахборотни жойлаштириш қисми бўйича давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

давлат органларининг ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлигини таъминлашда кўмаклашиш;

ижтимоий ахборотни муҳофаза қилиш услублари ва воситалари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

муҳим ахборотларни қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш воситаларига тавсиялар ишлаб чиқиш;

муҳим ахборотларни қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш

инфратузилмасининг заиф жиҳатлари, хавфлар ва таҳдидларини таҳлил қилиш;

муҳим ҳисобланган ахборот инфратузилмасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

муҳим ҳисобланган ахборот инфратузилмасининг шикастланиш билан боғлиқ хавфларига нисбатан ўз вақтида ва тезкор чоралар кўриш;

Халқаро электралоқа иттифоқи, Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан ахборот хавфсизлиги ва ахборотни муҳофаза қилиш тизимларини ривожлантириш соҳасида ҳамкорликда ишлаш;

халқаро молия институтлари, чет эл ҳукумат ташкилотлари ва донор мамлакатлар билан ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида самарали халқаро ҳамкорлик бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

домен номлари ва IP-манзилларни бошқариш юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида халқаро ташкилотлар, чет эл компаниялари билан тузилган келишувлар, шартномалар ва битимларни бажариш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш;

электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишда амалий ёрдам кўрсатади ва электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларининг ваколатли шахсларига электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатларини олиш жараёнида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишган ҳолда тақдим этади;

электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказлари ваколатли шахсларининг электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг Ягона давлат реестрини юритади ва юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг улардан эркин фойдаланилишини таъминлайди;

юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларига кўра электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказлари ваколатли шахсларининг электрон рақамли имзоси ҳақиқийлигини тасдиқлайди.

2.4. Марказ юқоридаги асосий фаолият турларидан ташқари қуйидаги фаолият турларини, жумладан пуллик фаолият турларини ҳам амалга оширади:

ахборот коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлиги соҳасида хизматлар кўрсатиш ҳамда илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари;

хўжалик бошқарув органлари ва тадбиркорлик субъектлари учун ахборот хавфсизлиги талаблари бўйича ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказиш;

хўжалик бошқарув органлари ва тадбиркорлик субъектлари учун



ахборот хавфсизлиги талаблари бўйича ахборотлаштириш объектларини экспертизадан ўтказиш;

ташкilotларнинг ахборот тизимлари аутсорсинги;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича маслаҳат хизматларни кўрсатиш ва мустақил аудитни ўтказиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

ахборотлаштириш объектларининг ахборот хавфсизлигини комплекс баҳолашни, шунингдек ахборотлаштириш воситалари ва тизимларининг ўлчамлари ва тестдан ўтказилишининг замонавий воситаларини қўллаган ҳолда ҳимояланганликни ва ахборотни ҳимоя қилиш талабларига мос келишини ўрганиб чиқиб таҳлил қилиш ва тестдан ўтказиш;

ахборот хавфсизлигининг мумкин бўладиган хавфларини ҳисобга олган ҳолда текшириш услублари ва усулларини аниқлаш ҳамда баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

объектни эксперт текширувидан ўтказиш ва бу объектда ахборотни ҳимоя қилиш бўйича ишлаб чиқилган ҳужжатларнинг меъёрий ва методик ҳужжатлар талабларига мос қилиш нуқтаи назаридан келиб чиқиб таҳлил қилиш;

ахборотлаштириш объектини ундан фойдаланишнинг ҳақиқий шароитларида комплекс синовлардан ўтказиш;

Ўзбекистон Республикасининг меъёрий – ҳуқуқий актлари (ҳужжатлари) ва стандартлари талабларига мувофиқ ахборотни криптографик ҳимоялашнинг янги воситаларини ишлаб чиқиш ва амалдагиларини замонавийлаштириш бўйича зарур илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини ўтказиш;

компьютерда дастурлаш ишлари бўйича маслаҳатлар бериш ва бошқа бир вақтда кўрсатиладиган хизматлар;

табiiй фанлар ва инженерия соҳасидаги илмий тадқиқотлар ва ишланмалар;

конференциялар ва кўргазмаларни ташкил этиш;

бозор шарт-шароитлари (конъюнктураси)ни тадқиқ қилиш ва жамоат фикрини ўрганиш;

бошқа касбга оид, илмий ва техник фаолият;

маълумотномалар ва рўйхатларни нашр қилиш;

республика босма нашрларида соҳага доир мақолалар чоп этиб бориш.

Агар ушбу бандда кўзда тутилган тегишли фаолиятнинг лицензияланиши қонун ҳужжатларида белгиланган бўлса, Марказ фаолиятнинг ушбу турини фақат лицензия асосида амалга оширишга ҳақлидир.

2.5. Марказ, юклатилган вазифалар доирасида Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга ошириши мумкин.

### **III. Марказ тузилмаси**

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 16 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳузуридаги «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш маркази ва Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 250-сон қарори билан ходимларнинг чекланган сони 135 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 23 кишидан иборат Марказ тузилмаси тасдиқланган.

3.2. Марказ директори Вазирлик билан келишувга кўра, амалдаги Марказ тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган миқдори доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

3.3. Директор Марказ вазифалари ва функцияларидан келиб чиқиб, ҳар бир таркибий бўлинма (департамент, бўлим) бўйича ишлаб чиқилган низомларни ва лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди.

### **IV. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

4.1. Марказ куйидаги ҳуқуқларга эга:

юклатилган вазифа ва функцияларни сифатли ва лозим даражада бажариш учун ўз ваколати доирасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан зарур ахборот ва бошқа норматив ҳужжатларни сўраш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш, 2013-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш Комплекс дастури амалга оширилишини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси, Вазирликнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ахборот тизимларининг, Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишланган барча йиғилиш ва мажлисларида иштирок этиш;

белгиланган тартибда бошқа ташкилотлардан юқори малакали экспертларни шартнома асосида жалб этиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш доирасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек уларнинг таркибидаги корхоналар ва ташкилотларнинг ички процедуралари (бизнес-жараёнлари)ни ўрганиш;

Марказ ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида фойдаланиш ҳуқуқи чекланган маълумотларни сир сақлаш бўйича барча мажбуриятларни ўз зиммасига олади;

шартномалар ва келишувлар тузиш;

ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар кўрсатиш бўйича бозор

шарт-шароитлари эътиборга олган ҳолда кўрсатиладиган хизматлар ва маҳсулот учун нархларни мустақил белгилаш;

банк кредитларини олиш ва улардан фойдаланиш;

ҳалқаро ва республика ярмаркалари ва кўргазмаларида иштирок этиш;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

4.2. Марказ куйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

Марказ ишининг белгиланган тартибига риоя қилиш;

раҳбарият томонидан белгилаб қўйилган вазифалар ва норматив ҳужжатларнинг белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаш;

ушбу Уставда кўрсатилган вазифаларни бажариш.

## **V. Марказ фаолиятини бошқариш**

5.1. Марказни бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш директор томонидан амалга оширилади.

5.2. Марказ директори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

5.3. Марказ директори билан тузилган меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири томонидан имзоланади.

5.4. Марказ директори Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ:

Марказга юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилишига шахсан жавобгар бўлади;

кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш ва ўрнатилган тартибда ўзининг ўринбосарларини Вазирлик билан келишган ҳолда лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод этади;

Вазирлик билан келишилган ҳолда Марказ штат жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Марказ ходимларини ҳар беш йилда камида бир маротаба билимларини баҳолаш бўйича ишларни амалга оширади;

Марказ ва унинг таркибий бўлинмаларига умумий раҳбарлик қилади;

Марказнинг асосий фаолиятини такомиллаштириш, бошқарувнинг янги услубларини жорий қилишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича чоралар кўради;

меҳнат қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномалари (контрактлари) тузади, уларни ўзгартиради ва тўхтатади;

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради;

кадрлар тайёрлаш ва ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш бўйича ишларни чора-тадбирларини ишлаб чиққан ҳолда амалга оширади;

Марказнинг барча ходимлари учун амалга оширилиши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар ва кўрсатмалар қабул қилади;

Марказнинг ички меҳнат тартиби ва фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлайди;

Марказ томонидан Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига риоя қилинишини ташкил этиш ва назорат қилинишини таъминлайди;

Марказнинг воситалари ва кредитларини бошқаради;

меҳнат ва хўжалик шартномаларини тузади ва бекор қилади;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, жамоат бирлашмалари билан ўзаро ишлашда ишончномасиз Марказ вакили ҳисобланади;

Марказга юклатилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун зарур бўлган бошқа функцияларни амалга оширади.

5.5. Директор ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш жараёнида Марказ манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳаракат қилиши лозим, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи барча талабларнинг ҳамда уларга тенглаштирилган тўловларнинг қондирилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

5.6. Директор ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажарилиши, шунингдек Марказга берилган давлат мулкининг сақланиши ва ундан мақсадли фойдаланилиши юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

5.7. Марказ Муассис (Вазирлик)га ҳисобот беради.

5.8. Муассис қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Марказ Уставини тасдиқлаш, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

Марказнинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёки белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни олиб қўйиш ва тасарруф этиш;

Марказ мулки билан амалга оширилган шартномаларни ҳаққоний эмас деб эътироф этиш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш;

Марказга етказилган зарарни қоплаш тўғрисида даъво аризасини киритиш;

Марказни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш;

меҳнат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Марказ директори билан тузилган меҳнат шартномасини муддатидан илгари тўхтатиш;

Марказ штат жадвали ва ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш;

ҳар чоракда Марказ фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тинглаш;

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиш.

5.9. Муассис Марказ фаолиятига раҳбарлик қилади ва унинг фаолиятини назорат қилади.

5.10. Марказнинг тасдиқланган смета доирасида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратиладиган, беғараз ёрдам кўрсатиш (грантлар)дан, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан келиб тушадиган маблағлардан мақсадли ҳамда унумли фойдаланишни назорат қилади.

## **VI. Марказ мулкни тасарруф этиш**

6.1. Марказ мулки давлат мулки ҳисобланади ва унга тезкор бошқарув ҳуқуқи асосида тегишлидир.

6.2. Муассис томонидан Марказга тезкор бошқарув ҳуқуқи билан бириктирилган асосий фондлар ва айланма маблағлар Марказ мулкни ташкил қилади.

6.3. Марказнинг асосий фондлари ва айланма маблағлари бўлинмайди ҳамда улушлар (ҳиссалар, пайлар) бўйича тақсимланиши мумкин эмас.

6.4. Вазирлик Марказга берилган давлат мулкidan белгиланган мақсадда фойдаланишини ва унинг сақланишини, шунингдек тасарруфдан чиқарилишини назорат қилади.

6.5. Директор Вазирлик билан келишган ҳолда Марказ мулкни қуйидаги ҳолатларда, ўрнатилган тартибларга биноан тасарруф этиши мумкин:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга бериш;  
мулкни бошқа хўжалик жамиятининг устав фондига улуш сифатида киритиш;

бошқа хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш ва сотиш;

мулкни бошқача тарзда тасарруф этиш.

## **VII. Даромадларни шакллантириш тартиби**

7. Марказ даромади:

хизмат кўрсатишдан олинган даромадлар;

Вазирлик билан келишилган ҳолда бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан тушумларнинг бир қисми;

тасдиқланган ҳаражатлар сметаси асосида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратиладиган маблағлар;

амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган ҳолда, ҳомийлардан олинган беғараз молиявий ёрдам маблағлари;

халқаро ва хорижий вакиллик ва нодавлат ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган молиявий ва моддий бадаллар;

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

### **VIII. Захира фондини ва бошқа фондларни ташкил этиш тартиби**

8. Марказ ўз тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобига захира фондини, шунингдек бошқа фондларни ташкил этиши мумкин, уларнинг миқдори ва шакллантириш тартиби Вазирлик томонидан тасдиқланади.

### **IX. Даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби**

9.1. Марказда қоладиган соф фойда, барча солиқлар ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек давлат корхонасининг соф фойдасидан давлат бюджетига Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси томонидан белгиланадиган ажратмалар тўлангандан кейин Марказ тасарруфида қолади ва ундан Вазирлик қарорига кўра фойдаланилади.

9.2. Вазирлик ўз қарори билан бегона юридик ва жисмоний шахсларга ҳомийлик ёрдами кўрсатишга йўналтириладиган пул маблағларининг чекланган суммасини, уларни тасарруф этиш ҳуқуқини Директорга берган ҳолда белгилайди.

9.3. Марказ фаолияти натижасида кўрилган зарарни қоплаш ушбу мақсадлар учун ташкил этилган захира фонди маблағлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

### **X. Ҳисоботлар тақдим этиш тартиби**

10.1. Марказ ўз фаолиятининг статистика ва бухгалтерия ҳисобини амалга оширади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда статистика ва молия ҳисоботини тузади.

10.2. Хўжалик фаолияти, молия ҳисоботи, бухгалтерия ҳисобини белгиланган талабларга мувофиқ юритилишини текшириш учун Марказ аудитор ташкилотини жалб қилиши мумкин.

10.3. Марказ фаолиятининг назорати Вазирлик томонидан икки йилда кўпи билан бир марта режа бўйича комплекс текшириш, зарур бўлганда фаолиятнинг алоҳида турларини режадан ташқари текшириш йўли билан амалга оширилади.

10.4. Директор Вазирлик олдида, йилига камида бир марта Марказ фаолияти натижалари ва тасдиқланган ривожлантириш дастурлари амалга оширилиши тўғрисида ҳисобот беради.

## **XI. Марказнинг жавобгарлиги**

11.1. Марказ ўз мажбуриятлари ва ўзига тегишли мулк бўйича жавоб беради.

11.2. Марказ Вазирлик мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

## **XII. Марказни тугатиш ва қайта ташкил этиш**

12.1. Марказни тугатиш ва қайта ташкил этиш (қўшиш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиш, қайта ўзгартириш ва қайта номлаш) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларига мувофиқ амалга оширилади.

12.2. Марказ тугатилган ҳолатда кредиторлар талаблари қондирилганидан кейин қолган Марказ мулки Вазирлик балансига топширилади.